

Курилиш таъмирлаш ишларини бажариш бўйича

№ 14 - сонли ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

» сентябр 2022 йил

Данғара шаҳарчаси

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «Данғара юксак омад таъмир» МЧЖ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари Хусниддин Нуриддинович Ахмедов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Данғара тумани Данғара тумани Тиббиёт бирлашмаси раҳбари номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари Анваржон Жуманов ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди:

1. Шартнома предмети

1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра куйидаги турдаги таъмирлаш ишларини бажариб беради:

«Фарғона вилояти Данғара тумани Окжар кишлоғида жойлашган “Махалла тиббиёт пункти” биносини жорий таъмирлаш»

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати **60 000 000** сўм, (Олтиш миллион сўм).

1.3. Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.

1.4. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: 2022 йил 26 сентябрь кунидан бошланиб
2022 йил 10 октябрь кинигача тулик тугатилади

2. Ҳисоб-китоб шартлари ва муддатлари.

2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси еки калькуляция ва баҳолар прејскурантлари асос бўлиб ҳисобланади.

2.2. «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдоридан туловни амалга оширади ва ундан сўнг қуриш таъмирлаш ишларини амалга ошириш бошланади. Тўлиқ ҳисоб-китобни «Иш бажарувчи» жорий таъмирлаш ишларини бажариб ҳар ойнинг 26-санасидан кечиктирмай Ф-2, Ф-3 хужжатларини тақдим этгандан сўнг амалга оширади.

2.3. Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) банк иш кунидан туловни амалга ошириши шарт.

2.4. Жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши жараенида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

2.5. Иш бажариш муддатлари томонларнинг ҳақиқий ҳолатини инобатга олиб икки томон келишуви билан узгартирилиши мумкин ва бу қўшимча келишув шарномасини тузиш орқали амалга оширилади.

3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

3.1. «Иш бажарувчи» ўз қучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатда, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган ҳолатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки ҳаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3. «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.

3.4. «Буюртмачи» бажарилган жорий таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

3.5. Жорий таъмирлаш жарёнида «Иш бажарувчи» смета лойиха хужжатларида курсатилган ишларни бажаради. Буюртмачи рўхсатсиз ҳеч қандай қўшимча ишларни амалга оширмайди.

3.6. Пудрат шартномасини бажариш муносабати билан Буюртмачи Иш бажарувчига бирор асосий восита ёки материал берганлик ёки фойдаланишга берганлик ёки қурилиш маҳсулотларини сотиб олиб

бериш ҳолатлари кузатилса олинган мулкка ёки маҳсулот тулик расмийлаштирилади ва уларнинг сифатли ва соз ҳолда сакланишига қабул қилиб олган томон жавобгар ҳисобланади.

- 3.7. Буюртмачи Иш бажарувчининг фаолиятига аралашмага ҳолда исталган вақтда ишнинг боришини ва сифатини текширишга ҳақли.
- 3.7.1. Агар иш бажарувчи шарномани бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки суғ бажариши натижасида белгиланган муддатларга улгурмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи шартномадан воз кечиб, етказилган зарарни қоплаб беришни тегишли тартибда талаб қилишга ҳақли. Бунда бажарилган иш ва бажарилмаган ишларнинг фарқи баҳоланади ва тегишли далолатнома тузилади.
- 3.8. Иш бажарувчи бажарилган иш ва фойдаланилган маҳсулотлар сифати учун тулик жавобгардир. Сифатсиз ёки лозим даражада сифатли бўлмаган маҳсулотлардан фойдаланиш ҳолатлари кузатилса ушбу ҳолат Иш бажарувчининг ҳисобидан бартараф этилади.
- 3.8.1. Буюртмачи маҳсулотлар сифатини текшириши ва керакли тузатишлар ва ўзгартиришлар киритиши мумкин.

4. Жарималар қўланилиши

- 4.1. Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар (хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий қийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
- 4.2. Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган жорий таъмирлаш ишларини умумий қийматини 0.4% миқдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси утказиб берилмаган маблағлар суммасини 50 % дан ошмаслиги керак.
- 4.3. Буюртмачи шартномада қўрсатилган 30% миқдоридаги туловни олдиндан ўз вақтида тулаб бермаса бу ҳаракат қуриш таъмирлаш ишларининг бажарилишига таъсир қилади ва қуриш таъмирлаш ишларини кечиктиришга асос бўлади. Хусусан туловни амалга оширишни кечиктирилганлик учун кечиктирилган сумманинг 0,5% миқдорида муддати ўтган ҳар бир кун учун ҳисоблаб иш бажарувчига жарима тўлайди, лекин бунда жаримани умумий суммаси утказиб берилмаган маблағлар суммасини 50% ошмаслиги керак.
- 4.3. Қабул қилинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш(хизмат) миқдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.5 % миқдорида «Иш бажарувчи» га жарима тўлайди, лекин бунда жаримани умумий суммаси утказиб берилмаган маблағлар суммасини 50% ошмаслиги керак.
- 4.4. Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.
- 4.5. Иш бажарувчи юқорида қўрсатилган муддатларга амал қилмаган ёки қилинган муддатларни бузганлиги учун Буюртмачи жарима қўллашга ҳақли ва шз навбатида ушбу муддатларга амал қилмаган Буюртмачига ҳам жарима қўлланилиши мумкин.
- 4.6. Жарималарни қўллаш икки томон қелишуви билан амалга оширилади. Қелишувга эришилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида тегишли Иқтисодий судда ҳал этилади.
- 4.7. Агар етказиб берилган товарлар ёки иш хизматлар сифати ва сони лозим даражада бўлмаса ёки смета ҳужжатларига мос келмаса ёхуд шу қаби бошқа камчиликлар аниқланса аниқланган камчиликларни иш бажарувчи ҳисобидан бартараф этилиб 20% миқдорида жарима қўлланилиши мумкин.

5. <Форс-мажор>

- 5.1. Шартномада қўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати ва бекор қилиш тартиби

- 6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг қучга қиради.
- 6.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил «31» декабрь гача.
Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро қелишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 6.3. Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
 - а) томонлар ўзаро езма қелишувига асосан;
 - б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда ҳужжат расмийлаштирилиб тегишли ҳулоса олинганда;
 - в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;

- г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига еки лойиха-смета хужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани холда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
- д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган жорий таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайтириши еки кўпайтириши) лозим бўлгани холда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изох: **б,в,г,д** пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган холда хат билан маълум қилади.

7. Кўшимча шартлар

7.1 Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар.

- Шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажаришда томонлар,

- Коррупцияга курашиш тугрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмастик,

- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, вада бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тугридан тугри пора олишга яъни моддий бойликлар ёки млкый имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йулида компания ходими уз лавозимидан фойдаланган холда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт,

- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар курилишини қафолатлайдилар.

7.2 «Иш бажарувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Буюртмачи»га тақдим этади.

7.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли хужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб *рўйхатдан* ўтказилгандан сўнг амалга киритилади. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаганда иктисодий суд орқали хал қилинади.

8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Иш бажарувчи»

«Дангара юксак омад таъмир» МЧЖ

(пудратчининг номи)

«Буюртмачи»

Данғара тумани Тиббиёт бирлашмаси

Манзил: Фаргона вилояти, Дангара тумани,
Дангара 46 -уй.

Тел: +998 99 340 16 59.

Х/Р: 2020 8000 0053 7169 7001

Манзил: Фаргона вилояти, Дангара тумани,

Истиклол кучаси

Тел./факс: +998 73-572-18-44.

Х/Р: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк номи: «Универсал банк» Бош офиси

МФО : 00973

СТИР : 308 369 602.

ОКОНХ :

Раҳбар: _____ Х.Н. Ахмедов

шхр: 1000 2286 0302 3670 7310 1054 001.

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ф-ли.

МФО: 00014

ИНН: 200165010.

Раҳбар: _____ А. Жуманов



Хукукий хулоса

М.Ў.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Базирлар Маҳкамасининг 12.09.2003-йилдаги 395-сонли қарори ва бошқа иеъерий хужжатларга асосланган холда тугри тузилган. Шартнома бўйича томонлар уртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Хукукшунос:



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DANG'ARA TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150500, Dang'ara tumani, Toshkent ko'chasi, 150-uy
Tel.: (998 73) 572 17 78, el. pochta: dangara.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 29-sentabr

Dang'ara tumani Tibbiyot
birlashmasiga

YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

XULOSA.

1. Loyihaning turi:

Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Dang'ara yuksak omad ta'mir MCHJ tomonidan Dang'ara tumani Oqjar qishlog'ida joylashgan Maxalla tibbiyot punkti binosini joriy ta'mirlash to'g'risida

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

Dang'ara tumani Tibbiyot birlashmasi.

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgani haqida xulosa qilaman.

Dang'ara tumani adliya bo'limi
yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsul'ti



D.Kaxxorov



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Дангара ТТБ бошлиги

А.Жуманов

“29” сентябр 2022 йил

“29” сентябр 2022 йил

Дангара шаҳарчаси.

2022 йил сентябр ойи Тиббиёт бирлашмасига қарашли Махалла тиббий пунктларини жорий таъмирлаш учун ажратилган бюджет маблағларини оқилона ва мақсадли ишлатилиши бўйича назоратни кучайтириш ҳамда танлов ўтказиш комиссиясининг № 9-сонли

ТАНЛОВ БАЁННОМАСИ.

Дангара тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли Махалла тиббий пунктларини жорий таъмирлаш учун энг яхши таклифларни электрон тарзда аниқлаб муҳокамага қўйилган бўлиб, муҳокама даврда ҳеч қандай эътирозлар билдирилмаганлиги сабабли Махалла тиббий пунктларида жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи “Дангара юксад омад таъмир” МЧЖ билан шартнома тузишни комиссия раиси Р.Солиев билдирди.

Йиғилиш қарор қилади:

“Дангара юксад омад таъмир” МЧЖ жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш нархи арзонлиги ва кафолат муддатини ҳисобга олган ҳолда “Дангара юксад омад таъмир” МЧЖ билан шартнома тузишни лозим топилди.

Комиссия аъзолари.

Бош шифокор муовуни:

Бош ҳамшира:

Қурилиш инженери:

Хужалик ишлари мудир:

Техника инженери:

Р.Солиев

М.Хаминова.

С.Худойкулов.

Э.Умаров.

И.Жўраев.